Аллоҳ ва фалончи хоҳлагандай бўлибди эмас, балки, Аллоҳ хоҳлагандек, сўнгра фалончи хоҳлагандек бўлибди денглар!», – дедилар

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ ва фалончи хоҳлагандай бўлибди эмас, балки, Аллоҳ хоҳлагандек, сўнгра фалончи хоҳлагандек бўлибди денглар!», – дедилар.
[Барча йўлларини жамлаш билан саҳиҳ] [Абу Довуд, Насоий «Сунани Кубро» ва Аҳмад ривоят қилган]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон киши гапириш чоғида: «Аллоҳ ва фалончи хоҳлагандек бўлибди», – дейишдан қайтардилар. . Чунки Аллоҳнинг хоҳиши ва иродаси мутлоқ бўлиб, ҳеч ким У Зотга шериклик қилмайди. Араб тилидаги «Ва» ҳарфини атф қилиш Аллоҳга бирор нарсани шерик ва тенг қилгандек бўлади. Лекин: «Аллоҳ хохлагандек, сўнгра фалончи хоҳлагандек бўлибди», – деса бўлади. Шундай қилиб "ва" ўрнига "сўнгра"ни қўйиш билан бандanинг хоҳишини Аллоҳнинг хоҳишига тобеъ қилади. Чунки "сўнгра" кетма кетликка ва биринчисидан орқада эканига далолат қилади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3352